



Ўзбекистон
Иқтисодий-саноат
газетаси

ТУРКИСТОН

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1994 йил 27 апрель • Чоршанба • № 32 (14193)

ترکستان

TURKISTAN

Сотувда эркин нархда

СИР, АМУ МАВЖИДА ДЎСТЛИК НАВОСИ, СЕНА БЎЙЛАРИДА АКС САДОСИ

ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФРАНСУА МИТТЕРАННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

25 апрель куни Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран давлат ташрифи билан Тошкентга келди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмон шарафига ҳар икки давлат байроқлари кўтарилди.

Аэропортда Франсуа Миттеран жаноблари ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқди. Миллий либослардаги қизлар меҳмонларга баҳор гулларини тақдим этдилар. Франция ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиялари янграганидан сўнг Ислам Каримов ва Франсуа Миттеран Миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Автомобиллар карвони қароргоҳ томон йўл олди. Меҳмонларни байрамона безатилган Тошкент кўчаларида минглаб шаҳарликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари олқишлар билан кутиб олдилар. Дунёдаги энг ривожланган давлатлардан бири — Франция раҳбарининг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистоннинг тобора юксалиб бораётган халқаро мавқеидан ишонди. Мамлакатимиз раҳбариятининг тинчликсевар ташқи сиёсати, адолатли ва демократик жамият қу-

ришга қаратилган ички сиёсати жаҳонда катта обрў-эътибор топомқда. Айни пайтда Франция Марказий Осиё давлатлари, жумладан Ўзбекистон билан муносабатларни янада мустахкамлашга интилоқда.

Ўзбекистонга Франция Президенти билан бирга бир қанча вазирлар, дипломатлар, ишбилармонлар ва маданият ходимларининг катта гуруҳи келди.

Ташриф давомида иккала мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик масалалари, минтақадаги аҳоли, экология муаммолари муҳокама қилинди. Музокаралар якунида бир қанча ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда. Ф. Миттеранга ҳамроҳлик қилаётган француз ишбилармонлари эса ўзбек ҳамкорлари билан турли соҳаларда ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилишига умид қилишди.

Шу кунги икки мамлакат раҳбарларининг яқнама-яқна суҳбати бўлиб ўтди. Оқшом Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жаноб Франсуа Миттеран хоним шарафига зиёфат берди.

(ЎзА).



УЧРАШУВЛАР, МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон ва Франция раҳбарлари ўртасидаги мулоқот ва ўзаро музокаралар Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройида бўлиб ўтди.

Дастлаб Ислам Каримов ва Франсуа Миттеран қисқача яқнама-яқна суҳбат ўтказдилар. Сўнгра ҳукумат аъзолари иштирокида музокаралар бошланди.

Франция Президентининг мамлакатимизга ташрифи катта аҳамиятга эга бўлган воқеадир, — деди Ўзбекистон раҳбари. — У икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга янги раванг башх элади. Бизнинг Францияга сафаримиз чоғида ўзаро ҳамкорликнинг пойдевори қўйилган эди. Эндиликда ушбу янада мустахкамлашнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Франциялик дўстла-

римиз нефть ва газ, енгил ва қайта ишлаш sanoatlari, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида яқиндан қўмақлашадиганликлари учун миннатдоримиз. Ўзаро алоқаларни мустахкамлашда мамлакатимиздаги Франция элчихонаси ва элчи жаноб Жан-Поль Везиан катта жонбозлик кўрсатмоқда. Франциянинг турли соҳалар бўйича малакали мутахассислар тайёрлашдаги қўмағини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Бугун имзоланадиган ҳужжатлар мамлакатларимиз ва халқларимизни янада яқинлаштирилади.

Мамлакатимизнинг ўзининг жўрғойи ўрни жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга, — деб таъкидлади Ф. Миттеран. — Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарор-

лик манбаи бўлиб турганлиги ҳам жуда муҳим. Франция ва Ўзбекистон ишончли ҳамкор бўла оладилар. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Биз Ўзбекистон Президенти билан икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг барча соҳалари ва минтақавий муаммолар хусусида фикрлашди. Кўп масалаларда фикримиз бир жойдан чиқди. Ўзаро ҳамкорлик борасида анчагина ишлар қилинмоқда, аммо ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам кўп.

Музокаралар якунида икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик, Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси ўртасида фуқароларнинг эркин ҳаракати ҳақидаги битимлар, ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисида қўша декларация имзоланди. Бу ҳужжатлар икки мамлакат фуқаролари ўртасидаги бордини оsonлаштириш, иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Музокараларда Франция ҳукумати расмий вакили, бюджет вазيري Никола Саркози, Оврупо ишлари бўй-

ича делегат—вазир Ален Ламассур миллий мажлис депутати, парламентдаги француз-ўзбек дўстлиги гуруҳининг президенти Шарль Гербрант, сенатор, Сенатдаги «Франция — Марказий Осиё» гуруҳининг президенти Жан Голье, Франциянинг Ўзбекистондаги факултетада ва мухтор элчиси Жан-Поль Везиан ва бошқалар иштирок этдилар.

Ўзбекистон томонидан республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Ҳалилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Қ. Ҳақиллов, Ташқи ишлар вазيري С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Ислам Каримов ва Франсуа Миттеран оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан учрашдилар. Мулоқот давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Носир МУҲАММАД,
Ғулом МНЭЗО,
Ўзғабой ҲАСАН,
ЎзА мухбири.

САМИМИЙЛИК ВА ЯҚДИЛЛИК

Франция Президентининг рафиқаси Даниель Миттеран хонимнинг Ўзбекистонга ташрифи дастурида Тошкент Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига қадим ранжиди қилини ҳам назарда тутилган эди. Бунинг рамзий маъноси бор, албатта. Жаҳон ҳамжамиятига фаол равишда қўшилган Ўзбекистон давлатлари муносабатларининг барча соҳаларида фаоллиги кўрсатиши мумкин бўлган малакали мутахассислар тайёрлашга киришгани табиий. Даниель Миттеран хонимнинг Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган бу маҳсул ўқув юрти талабалари билан учрашуви ҳам беиз эмас. Университетга ташриф буюриш чоғида Миттеран хонимга Ўзбекистон Президентининг рафиқаси Татьяна Каримова ҳамроҳ бўлди.

Учрашув иштирокчилари — олий ўқув юртининг мураббий ва талабалари муҳтарам меҳмонларга билим даргоҳи олдига турган вакифлар ҳақида гапириб бердилар. Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов Фармони асосида ташкил этилган бу билим маскани хорижда ишлайдиган мутахассислар тайёрлаш ҳамда олий таълимни янада тараққий этти-

риш борасида бошқаларга ибрат бўлиши лозимлиги қайт этилди. Мазкур илм даргоҳи жаҳон иқтисодиёти ва бизнеси асослари, менежмент ва маркетинг ҳамда хорижий тилларни чуқур ўзлаштирган мутахассисларни тайёрлайдиган масканга айланиб қолди. Илгари бундай кадрлар республикадан ташқарида тайёрланар эди. Ўзбекистон мустақиллигида эришганидан кейингина бизда бундай имконият пайдо бўлди.

Франция ва Ўзбекистон Президентларининг рафиқалари иштирокидаги учрашувда, шунингдек, республикада дипломатлар тайёрлаш, бунинг учун хориждаги олий ўқув юрти билан алоқаларни мустахкамлаш зарурлиги тўғрисида ҳам фикр алмашилди. Миттеран хоним ўзининг қаршилик ҳаракатида иштироки ҳақида гапириб берди. Ўзбекистонга сафари давомида олган таассуротлари билан ўртоқлашди, талабаларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб берди.

Шу кунги Франция ва Ўзбекистон Президентларининг рафиқалари Амалий санъат музейида бўлиб, машҳур халқ усталарининг ишлари билан танишдилар.

ЎзА мухбири.

ТЕАТРГА ТАШРИФ

Франциялик меҳмонлар Алишер Навоий номидаги Давлат Катта академик театрида бўлиб, «Тўмарис» спектаклини томоша қилишди.

Маълумки, Тўмарис — ўзбек халқининг афсонавий аёл қаҳрамонларидан бири. У бундан икки минг йиллар муқаддам Амударё ва Сирдарё оралиғидаги диверсия ҳимоя қилиш учун жонини берган аёл. Бугунги Ўзбекистон халқи ҳам она юртва садоқатини, бу юрт учун

жон фидо қилишга тайёр эканини жуда кўп марта исботлаган. Узоқ йиллардан бери саҳнадан тушмай келаётган спектакль бугун ҳам ниҳоятда долзарбдир.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: Франция Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифидан лавҳалар.

ЎзА суратлари.

Кўргазма билан танишув

Даниель Миттеран хонимнинг Татьяна Каримова билан учрашуви тошкентлик расмий Ортиқали Қозоқовнинг кўргазмасини томоша қилишдан бошланди. Бу расмийнинг асарлари Дўрмондаги ҳукумат боргоҳи равоғини беади. Франция ва Ўзбекистон Президентларининг рафиқалари кўргазмада замонавий расмий мактаб вакилининг ижоди билан яқиндан танишдилар.

Ортиқали Қозоқов эш, ленин ўз талантини намойиш этган мўйқалам устасидир. Унинг асарлари ўзига хослиги, замонавийлиги ва миллий руҳ билан ажралиб туради. Расмийнинг бу кўргазмаси, Франция ва Ўзбекистон Президентларининг рафиқалари таъкидлаб ўтганларидек, икки халқ маданиятларининг яқинлашувида қўмақлашади.

(ЎзА).

ХОРАЗМ САФАРИ

УРГАНЧ. 26 апрель. Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран билан Даниель Миттеран хоним Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Татьяна Каримова ҳамроҳлигида Хоразм замиғи ташриф буюрдилар.

Урганч шаҳри аэропортида миллий либослардаги кўчлик қизлар икки мамлакат Президентлари ва уларнинг рафиқаларига гуллар ҳада этдилар.

Мўғтабар меҳмонлар тушган автомобиллар карвони Хива шаҳри сари йўл олди. Урганч-Хива катта йўлида ҳам, икки мамлакат байроқлари кутлов сўзалари битилган широрлар билан безатилган шаҳар кўчаларида ҳам минг-минглаб хоразмликлар меҳмонларни олқишлар билан кутиб олдилар.

Икки мамлакат Президентлари ва уларнинг рафиқалари кўнжа Хива шаҳрининг жаҳонга машҳур тарихий ёдгорликларини зиёрат қилдилар. Ичон қалъадаги тарихий—меъморий обидалари, кўнжа Аркдаги Хива хоналари хос хонаси, Тош ҳовияни кўздан кечирдилар. Хоразмнинг сўнгги хони, шонир Феруз ва унинг авлодлари суратлари кўргазмаси, Юнусхон мадрасаси олдига намоиш қилинган халқ фольклор дасталарининг томошалари, Хоразм халқ қўшиқ ва рақслари меҳмонларда илқ таассурот қолдирди.

Тош ҳовияда ҳар иккала мамлакат Президентлари

оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан қисқача суҳбатлашдилар. Франция раҳбари «биз Ўзбекистонга бунёдкорлик: ниятида кел-ро ҳамкорликнинг пойдевори қўйилган эди. Эндиликда ушбу янада мустахкамлашнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Франциялик дўстла-

Зиёрат давомида олий



мартабали меҳмонларга Хоразм вилояти ҳокими М. Юманиязов ҳамроҳлик қилди.

Шу кунги меҳмонлар Тошкентга қайтишди.

БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Франциялик мўғтабар меҳмон ташрифининг тушдан кейинги дастури пойтахтимизнинг Алишер Навоий бондан, буюк бобокалонимиз ҳайкали пойига гуллар қўйишдан бошланди.

Алишер Навоийнинг абадий барҳат асарлари бугунги кунда жаҳондаги ўнлаб тилларда, жумладан, француз тилида ҳам жарангламоқда. Буюк шоир бундан беш аср муқаддам «Жаҳон аҳли, билингиз, иш эмас душман-лиг, ёр ўлунг бир-бирингиз-гани, эрур ёрлиг иш» деб хитоб қилган эди. Мамлакатимиз раҳбарияти юртваз-етган ташқи сиёсат бу ҳик-матли сўзларга садоқат-намунасидир. Турли қитъалардаги эзгу ниятли, ўзаро ман-

фаатли ҳамкорлик ўрнатиши истаётган барча кишилар учун эшикларимиз ҳамيشа очик. Франция Президентини эса Оврупода бирлашув жараёнини бошлаб берган «Маастрихт шартномаси»нинг ташаббускорларидан биридир. У жаҳондаги бошқа мамлакатлар, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларни мустахкамлашга интилоқда.

Ф. Миттеран буюк шоирни ҳурмат ва эъзоз билан ёд этди. Бу ерга тўпланган шаҳар аҳли ва жамоатчилик вакиллари икки мамлакат раҳбарига бўлажак музока-раларда муваффақият тиладилар. Ўзбекистон — Фран-ция дўстлиги халқларимиз манфаатига хизмат қилади, деб умид билдирдилар.



Пигит ва қизларни сафла-
нимизга бирлашишга чақи-

